




Бажарилиши икки йилга мўлжалланган инновацион лойиҳалар танлови мавзуси

“Техника фанлари” йўналиши бўйича			
№	Инновацион лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Икки изли кенг қамровли осма боронанинг саноат нусхасини яшаш</p>  	<p>Тадқиқот шакли: Икки изли кенг қамровли осма боронанинг саноат нусхасини яшаш бўйича инновацион лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - икки изли осма боронага дастлабки талаблар ва техник топшириқ ишлаб чиқилади, улар асосида агрегатнинг конструкцияси яратилади; - икки изли осма боронанинг саноат нусхаларини яшаш учун меъёрий-технологик ҳужжатлар ишлаб чиқилади; - икки изли осма боронанинг саноат нусхалари ясалади; - ерларни бороналашда иш унуми 2 баробарга оширилади ҳамда сарфланадиган умумий харажатларни кўлами 1,8 мартага камайтирилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Икки изли осма боронанинг саноат нусхалари кластерлар ва фермер хўжаликларидан О'зДСт 3412:2019 “Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ юзасига ишлов берувчи машиналар ва қуроллар. Синов дастури ва усуллари” бўйича синовлардан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p>0,45 млрд. сўм</p>
Жами			0,45 млрд. сўм

**Инновацион лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,9 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Техника фанлари” йўналиши бўйича			
№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Темир йўл чақиқ тошини қайта ишлатиш учун ресурс тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш</p> 	<p>Тадқиқот шакли: Темир йўл чақиқ тошини қайта ишлатиш учун ресурс тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> -балласт қатламини ифлослантирувчи моддаларни темир йўл изи ва унга туташ жойларидадан олиб ташлаш туфайли темир йўл изини йирик таъмирлаш ҳудудларда экологик вазият яхшиланади; -балласт қатламини тозалаш жараёнида чиқариб ташланган ифлослантирувчи моддаларнинг гранулометриқ таркибини ўрганиш учун RM 80 чақиқ тош тозалаш машинасининг тебраниш экрани учун турли хил ўлчамдаги элақларнинг тўпламлари ишлаб чиқилади; -қайта ишлатиш учун балласт материалларининг солиштирма ҳажмлари аниқланади; -эксплуатация жараёнида темир йўл изи структурасининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида чақиқ тошли балластни тозалаш даврийлиги бўйича меъёрлар ишлаб чиқилади; -ифлослантирувчи моддаларни ҳаракатланувчи составга юклаш билан темир йўлни таъмирлаш, шунингдек темир йўлни таъмирлаш вақтида ифлосланган балластни кесиб олиб ҳаракатланувчи составга юклаш технологик жараёнлари ишлаб чиқилади; -ифлослантирувчи моддаларни қайта ишлаш базаси ва ифлосланган балластни ташиш учун махсус составнинг эскизли лойиҳалари ишлаб чиқилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ йўл ҳўжалиги корхоналарида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	0,75 млрд. сўм
Жами			0,75 млрд. сўм

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,5 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши бир йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

“Техника фанлари” йўналиши бўйича			
№	Амалий лойиҳа мавзуси	Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа	Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми
1	2	3	4
	<p>Қишлоқ хўжалиги машиналаридаги бузилишлар ва тузатишлар жараёнларининг эҳтимолий-статистик параметрларини аниқлаш ва рақамли технологиялар асосида мақбул тавсиялар бериш орқали сервис марказлари самарадорлигини оширишнинг дастурий маҳсулотини яратиш</p>  	<p>Тадқиқот шакли: Қишлоқ хўжалиги машиналаридаги бузилишлар ва тузатишлар жараёнларининг эҳтимолий-статистик параметрларини аниқлаш ва рақамли технологиялар асосида мақбул тавсиялар бериш орқали сервис марказлари самарадорлигини оширишнинг дастурий маҳсулотини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - “<i>CLAAS</i>” компаниясининг <i>ARION-630C, AXOS-340C, AXION-850, XERION-3300 TRAC, ARES 697, ATLES-936, ARION 640</i> типидagi баққуват тракторлари базасида тузилган ҳайдов ва ерларни экишга тайёрлаш агрегатларида, <i>MEGA-204, Доминатор-68RS, MEDION-310, “Доминатор-130”, TUCANO-430</i> туридаги ғалла комбайнлари ва “<i>Марконт-55</i>” туридаги сомон йиғгич-зичлагичлар ҳамда “<i>CASE</i>” компаниясининг “<i>Магнум-7240</i>”, “<i>Магнум-8940</i>”, “<i>MX-255</i>”, “<i>MX-240</i>”, “<i>MXM-140</i>”, “<i>MX-135</i>” туридаги баққуват тракторлари базасида тузилган ҳайдов агрегатлари “<i>Кейс-1200</i>” туридаги пневматик чигит экиш сеялкалари, “<i>Кейс-2166</i>”, “<i>Кейс-2366</i>” русумли комбайнларида содир бўлган носозликларни бартараф этиш бўйича вилоятлар сервис марказларига юборилган талаблар оқими ва бу талабларни қондириш юзасидан Марказ томонидан бажарилган тузатиш ишлари хронометраж қилинади; - бузилиш ва тузатишга доир тасодифий сонлар тўпламларига ишлов берилади ва уларнинг ўзгариш қонуниятлари, математик кутилиш, ўртакватратик четланиш, вариация коэффициентлари, математик кутилишнинг юқориги ва пастки чегаралари каби статистик параметрлари ҳисоблаб топилади; - лойиҳа босқичлари бўйича бажарилган илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш йўли билан фирмавий техник сервис марказлари ва пунктларининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудлари бўйича жойлашиш манзиллари, хизмат кўрсатиш радиуслари, кўчма устахоналар сони, таъмирлаш-техник хизмат кўрсатиш базаларнинг таркиби, хизмат кўрсатиш ҳажми, тезкорлиги, сифати ва баҳоси каби рационал параметрлари асосланади; 	<p>0,5 млрд. сўм</p>

		<p>- хорижий қишлоқ хўжалиги машиналаридаги бузилишлар ва тузатишлар жараёнларининг эҳтимолий-статистик параметрларини аниқлаш орқали (сервис) хизмат кўрсатиш марказлари самарадорлигини оширишнинг дастурий маҳсулоти яратилади.</p> <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда трактор, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарига фирмавий техник сервис (ФТС) кўрсатиш ишларини бажараётган “ЎзКлаассервис” МЧЖ, “ЎзКейссервис” қўшма корхонаси ва бошқа машинасозлик фирма ҳамда заводларининг дилерлик ташкилотларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	
Жами		0,5 млрд. сўм	

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,5 млрд сўм ва бажарилиши бир йилга мўлжалланган.*